TOSHKENT HAQIQATI

HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_

Viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

2024-yil 7-dekabr / SHANBA / № 97 (13756)

Ўзбекистон халқига байрам табриги

Қадрли ватандошлар!

Аввало, ушбу қутлуғ айёмда сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ҳеч шубҳасиз, бу йилги Конституция байрамининг алоҳида руҳи ва шукуҳи борлигини бугун барчамиз чуқур ҳис этиб, англаб турибмиз. Бу, биринчи навбатда, мазкур айёмнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётимизда катта ўзгаришлар амалга оширилаётган тарихий бир шароитда ўтаётгани билан боғлиқ, десак, тўғри бўлади.

Айниқса, шу йил 27 октябрда Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга очиқлик ва рақобат руҳида ўтган сайловлар янгиланган Асосий қонунимизни ҳаётга татбиқ этиш йўлида ғоят муҳим қадам бўлганини яна бир бор таъкидлаш лозим.

Меҳнаткаш, олижаноб ва бағрикенг халқимизнинг Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги хоҳиш-иродаси, бирлиги ва ҳамжиҳатлиги, сиёсий маданияти яққол намоён бўлган ушбу сайловлар натижаларига кўра, юртимизда конституциявий ҳуқуқ ва ваколатлари кучайган, масъулияти бир неча карра ортган янги вакиллик тизими шаклланган албатта барчамизни мамнун этади.

Яна бир муҳим жиҳати – ҳокимлар бир пайтнинг ўзида маҳаллий кенгашларга ҳам раҳбарлик қилиб келган амалиётдан ушбу органларга илк бор депутатлар орасидан сайланган кенгаш раиси бошчилик қиладиган янги тизимга ўтилмоқда.

Бундан ташқари, ҳокимларнинг 30 дан зиёд ваколатлари маҳаллий кенгашларга ўтказилгани ижтимоий ҳаётимизда демократия, халқпарварлик тамойиллари тобора кенг ўрин олаётганидан далолат беради.

Биз “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир” деган конституциявий принципга амал қилган ҳолда, парламент ва маҳаллий кенгашлар ваколатларини кенгайтириш, уларнинг фаоллигини янада ошириш, самарали фаолият кўрсатишлари учун зарур шароитларни яратиш, бир сўз билан айтганда, уларни чинакам халқ овозига айлантиришга қаратилган ислоҳотларимизни қатъий давом эттирамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича Асосий қонунимизда муҳрлаб қўйилган устувор тамойилларни ҳаётимизга изчил татбиқ этиш борасида юртимизда кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан сўнгги йилларда иқтисодиётимиз 2 карра ўсгани, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад 3 минг долларга етгани, камбағаллик даражаси 23 фоиздан 11 фоизга тушгани, мактабгача таълимда қамров 74 фоиздан, олий таълимда эса 39 фоиздан ошгани, ҳеч шубҳасиз, тарихий натижадир.

Ислоҳотларни жадал давом эттириб, янгиланган Конституциямиз нормаларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида тадбиркорликни ривожлантириш, шу асосда аҳоли даромадларини ошириш, оила ва маҳаллаларда ўзаро ҳурмат ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлаш, кекса авлод вакиллари, хотин-қизлар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Шунингдек, Асосий қонунимизда Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида белгиланганидан келиб чиқиб, шаҳар ва қишлоқларимизни обод қилиш, янги уй-жойлар, тиббиёт, таълим, маданият, санъат ва спорт масканларини барпо этиш, йўл ва коммуникация тармоқларини модернизация қилиш, манзилли ижтимоий ҳимояни кучайтириш биринчи даражали аҳамият касб этади. Жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган маблағлар ҳажми 2 баробар кўпайтирилиб, тиббий суғурта тизимига ўтиш ва аҳолини кафолатланган тиббий хизматлар билан тўлиқ таъминлаш устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Таълим соҳасидаги дастурларимиз доирасида яқин йилларда олийгоҳларда қамров 50 фоизга етказилади. Биргина 2025 йилда боғча ва мактабларни таъмирлаш ва янгиларини қуриш учун давлат бюджетидан 4 триллион сўм маблағ ажратилади.

Яна бир муҳим йўналиш – аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш учун жами 46,5 триллион сўм маблағ сарфланиб, 1 миллион фуқарони камбағалликдан чиқариш режалаштирилмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун янада қулай шароитлар яратиш, уларнинг ижтимоий-лашувини ошириш ва умуман жамиятимизда инклюзивликни таъминлаш бўйича ишлар ҳам янги босқичга кўтарилади. Пенсия тизимини ислоҳ этиш бўйича ҳам зарур чоралар кўрилади.

Маълумки, янгиланган Бош қомусимизда фуқароларнинг экология соҳасидаги ҳуқуқлари конституциявий даражада белгиланиб, давлатнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлашга қаратилган мажбуриятлари алоҳида мустаҳкамлаб қўйилди.

Кириб келаётган 2025 йилни мамлакатимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили” деб эълон қилганимиз ва бу борада катта вазифаларни аниқ белгилаб олганимиз ана шу конституциявий қоида ва принципларни амалга ошириш учун муҳим асос бўлади, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, азиз юртдошларимни, бутун халқимизни ушбу йил бўйича Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда фаол иштирок этишга чақираман.

Ҳеч қачон унутмайлик: табиатни асраш – бу инсонни, келажакни асраш демакдир. Бебаҳо бойлигимиз бўлган серҳосил далаларимиз, зилол булоқларимиз, дарё ва кўлларимиз, тоғ ва адирларимизни асраб, боғу роғлар, яшил масканларни кўпайтирсак, Ўзбекистонимиз янада гўзал диёрга айланади, авлодларга биздан озод ва обод Ватан қолади.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Конституциямиз мамлакатимизда миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш, ислоҳотларимизнинг орттга қайтмас тус олишини таъминлашда доимо ишончли кафолат бўлиб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Шу маънода, халқимизнинг ҳуқуқий тафаккури, хоҳиш-иродасининг ёркин тимсоли ва амалий ифодаси бўлган Асосий Қонунимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Бу ноёб қомуснинг ҳар бир моддаси ва қоидасини ўрганиш, уларга ҳурмат, меҳр ва эътибор билан муносабатда бўлиб, тўлақонли ижро этиш барчамиз учун муқаддас бурч ва мезонга айланишини истардим.

Аминманки, ана шундай юксак масъулият билан астойдил меҳнат қилиб, ислоҳотларимиз самарасини янада оширамиз ва олдимизга қўйган улуғвор мақсадларга албатта етамиз.

Сиз, азиз юртдошларимни Конституция куни билан яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Ватанимизнинг обрў-эътибори, шону шуҳрати зиёда бўлсин!

Барча ютуқ ва ғалабаларимизнинг ижодкори бўлган халқимиз омон бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ТУРИЗМ ВА ЭНЕРГЕТИКА СОҲАЛАРИДАГИ САЛОҲИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 6 декабрь куни Тошкент вилоятига ташриф буюриб, транспорт, энергетика ва туризм соҳаларида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболли лойиҳалар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб “Тошкент – Хўжакент” йўналишида янги электропоездни кўздан кечирди.

Президентнинг ўтган йил 10 октябрдаги қарорига мувофиқ, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти трансформация қилинмоқда. Жамият таркибида инфратузилма, вагон хизмати, йўловчи ташиш кабилар билан шуғулланувчи 6 та мустақил корхона иш бошлади.

Поездлар парки ҳам кенгайтирилмоқда. Айниқса, йўловчи ташишда аҳоли ва туристларга қулайликлар оширилмоқда. Янги поездлар олиб келинди. Тошкентдан Самарқанд, Бухоро, Қарши каби тарихий шаҳарларимизга “Афросиёб” электропоездларининг қатновлари кўпайтирилди.

Ўтган даврда юртимизда 3 минг километрдан зиёд темир йўллар электрлаштирилди. Бухоро – Урганч – Хива темир йўл тармоқларини электрлаштириш якуний босқичда. Мискин – Нукус йўналишида жадал давом эттирилмоқда. Тошкент атрофида ҳам электрлашган йўл қурилиб, поездларни ўтказиш имконияти 30 фоизга ошди.

Энди “Тошкент – Хўжакент” йўналишида янги электропоезд қатновга қўйилмоқда. Давлатимиз раҳбари ушбу поездга чиқиб, ҳаракатланиши ва қулайликларини кўрди.

Вагонлар шинам ва ёруғ, йўловчилар учун қулай. Ўриндиқлар сони 586 та. Маълумот таблолари ва ёнғин хавфсизлиги тизими ўрнатилган. Поезд соатига 120 километргача тезликка чиқа олади. Ҳар бир тарафга кунига учтадан қатнов йўлга қўйилади.

Сафар чоғида давлатимиз раҳбари темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш, йўловчилар учун шароитларни яхшилаш, темир йўлларни электрлаштириш ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш бўйича мутасаддиларнинг ҳисоботларини тинглади.

Тошкент ва Хўжакент оралиғидаги темир йўлга туташ майдонларни 2025 йилги реновация дастурига киритиб, уларни тартибга келтиришга кўрсатма берилди. Йўналишдаги эгри қисмларни тўғри қилиб қайта қуриш орқали кунлик экспресс поездлар қатновини кўпайтириш ва кўпроқ йўловчиларга хизмат кўрсатиш учун шароит яратиш топширилди.

"Яшил макон" лойиҳаси доирасидаги ишлар ҳам муҳокама қилинди. Темир йўл четларини кўкаламзорлаштириш, сув ресурслари чекланган ҳудудларда хорижий тажриба асосида қурғоқчиликка чидамли ўсимликларни экиш, чет элдан фақат маҳаллий иқлимимизга мос бўлган кўчатларни келтириш зарурлиги қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманига ташриф буюриб, бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Хушманзара тоғлар бағридаги бу ҳудуднинг драйвери, албатта, туризм. Сўнгги йилларда инфратузилма яхшиланиб, йилнинг барча фаслида мароқли ҳордиқ чиқариш имконияти яратилди. Дам олиш, соғломлаштириш, чанғи, саёҳат, умумий овқатланиш мажмуалари барпо этилди. Эски санаторий ва болалар оромгоҳлари янгиланди.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЖАЗО МУДДАТИНИ ЎТАЁТГАН, ҚИЛМИШИГА ЧИН КЎНГИЛДАН ПУШАЙМОН БЎЛГАН ВА ТУЗАЛИШ ЙЎЛИГА ҚАТЪИЙ ЎТГАН БИР ГУРУҲ ШАХСЛАРНИ АФВ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 32 йиллиги муносабати билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан билиб-билмай жиноят содир этган, ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган жазо муддатини ўтаётган 483 нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 107 нафари жазодан тўлиқ озод қилинади, 275 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади, 7 нафарига тайинланган жазо енгилроқ жазо билан алмаштирилади. Шунингдек, 94 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилади.

Афв этилганларнинг 25 нафарини чет эл фуқаролари, 32 нафарини аёл, 5 нафарини 60 ёшдан ошган эркаклар, 274 нафарини ёшлар (шулардан, 104 нафари вояга етмаганлар) ҳамда 6 нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Бу воқеа юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг, халқимизга хос бағрикенглик, кечиримли бўлиш, олижаноблик ва меҳр-мурувват кўрсатиш каби эзгу фазилатларнинг намоён бўлганлигининг амалий ифодасидир.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш юзасидан масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Обуна— 2025

Қадрдон газетангиз

"TOSHKENT HAQIQATI"га

2025 йил учун ОБУНА

бўлишни унутманг!

Чиноз - ЧИНАКАМ ҲАЙРАТ ВА ҲАВАС МАНЗИЛИГА АЙЛАНАДИ

Тошкент воҳаси қадим-қадимдан Марказий Осиёнинг энг бой, бетакрор ва гўзал масканларидан бири бўлиб келган. Бир замонлар унинг ҳудудидаги қадимий Чоч давлати ҳақида тарихчию олимлар, сайёҳлар кўплаб маълумотлар қолдиришган. Манбаларга кўра, қарийб 2 минг йиллик тарихга эга қадим “Чиночкент” – ҳозирги Чиноз тумани ўзининг табаррук қадамжолари, тарихий масканлари билан машҳурдир.



Шерзод САЛИХОВ,
Чиноз тумани ҳокими

“Тошкент ҳақиқати” минбари







Кўҳна ва навқирон ҳудуд ўзининг тарихий йўли мобайнида бир қанча босқин ва талафотларни бошидан кечирган бўлса-да, Амир Темур даврига келиб, Чиноз муҳим савдо марказларидан бирига айлантирилади. Буюк Соҳибқирон Хитойга юриши пайтида ҳам шу ҳудуддан ўтиб, Тошкентга келгани, у ердан Ўтрор томон юргани ҳақида ёзма манбаларда маълумотлар бор.

Буюклар қадами теккан бу замин бугун ҳам кўплаб сайёҳлар келадиган гўзал маскан, пойтахт ва воҳа ҳудудларини туташтирувчи, ўтган-қайтганда йўловчилар қўним топиб, Тошкент пазандачилигининг классик намуналаридан баҳраманд бўладиган ўзига хос марказга айланган. Тумандаги замонавий бунёдкорлик, шаҳарсозлик қурилишлари, илму маърифат, санъат, адабиёт соҳасидаги ижобий ўзгаришлар – бугун туманимизни вилоятнинг энг илғор ҳудудларидан бири сифатида намоён этмоқда.

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ТУРИЗМ ВА ЭНЕРГЕТИКА СОҲАЛАРИДАГИ САЛОҲИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРМОҚДА

Хусусан, беш йил аввал туманда 2 минг 240 ўринли 26 та маскан бўлган бўлса, шу даврда соҳага 2 триллион сўмдан зиёд инвестиция киритилиб, 13 мингдан кўп ўринга эга 59 та йирик туризм иншооти ишга туширилди. Асосий автомобиль йўли таъмирланиб, қўшимча йўллар қурилди.

Буларнинг натижасида туризм жадал ривожланди, ташриф буюрувчилар 12 баробарга ошди. Жумладан, беш йил олдин Бўстонлиққа йилига 850 минг сайёҳ келган бўлса, бу йил 11 ойнинг ўзида 12 миллион нафар ташриф буюрган.

Бу суръат изчил давом этмоқда. Давлатимиз раҳбари шундай лойиҳалар билан танишди.

Чирчиқ дарёси бўйида “Чорвоқ дарвозаси” туристик мажмуаси қурилмоқда. Қарийб 25 гектар майдондаги мажмуада 16 та кўп қаватли уй, 3 та меҳмонхона, 2 та супермаркет, 60 дан зиёд савдо ва маиший хизмат шохобчалари, кафе ва ресторанлар, банк офиси, аквапарк, мусиқали фаввора, автотураргоҳ бўлади. Бинолар тепасига қуёш панеллари ўрнатилади. Дарё устида сайр учун шишали кўприк қурилади.

Мажмуа кунига 5 мингдан ортиқ кишига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлади. Мавсумийлари билан бирга 2 минг 500 та иш ўрни яратилади.

Президентимиз хизмат турларини кўпайтириб, фаол туризмни ривожлантириш, бундай мажмуаларни бошқа туманларда ҳам лойиҳалаштириш бўйича кўрсатмалар берди. Ҳудудда экологияга алоҳида эътибор бериш, яшилликни кўпайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Бўстонлиқ туманида барпо этилаётган “Ugam River” туристик мажмуасини ҳам бориб кўрди.

Угам дарёси бўйидаги бу маскан илгари тўла фойдаланилмаган, тошлоқ жой эди. Бу йил 1 триллион сўмликдан зиёд лойиҳа доирасида қарийб 14 гектар майдонда қурилиш бошланди. Ҳозирда 17 та кўп қаватли уй қад кўтармоқда. Улар 5, 6 ва 7 қаватли, 870 хонадондан иборат бўлади.

Шунингдек, 16 та коттеж, 3 та ресторан, йигирмадан ортиқ савдо ва хизмат шохобчалари қурилади. Болалар ўйингоҳлари, ёпиқ сув ҳавзаси, фитнес ва спорт майдончалари, амфитеатр, автотураргоҳ, автомобиль кўприги, тоғ ва соҳил бўйи йўлаклари ҳам ташкил этилади.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Ушбу қулайликлари билан янги мажмуа йилига 200 минг нафар ташриф буюрувчига хизмат кўрсата олади. Бу туманнинг туризм салоҳиятини янада оширади. Биринчи босқич – кўп қаватли уйларни келаётган йилнинг бошида фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари шундай хонадонлардан бирини кириб кўрди.

Сайёҳлар кўпроқ чиройли табиатга, тоза ҳавога интилади. Шуни инобатга олиб, мавжуд дарахтзорга қўшимча 20 минг туп кўчат ўтқазилади. Замонавий технологиялар воситасида кунига 1 минг метр куб дарё суви қайта ишланади. 2 мегаваттлик термал иситиш ва совитиш тизими йўлга қўйилади.

Президентимиз соҳа мутасаддиларига ҳудуд тарғиботини кенгайтириб, бундай масканларга сайёҳларни жалб этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Туризм лойиҳалари туфайли иш ўринлари кўпаймоқда. Шу билан бирга, аҳолининг анъанавий шаклланган касб-ҳунарларини ҳам асраш кераклиги таъкидланди. Масалан, туман асал, лимон етиштириш учун мос. Уларни ривожлантириш табиий муҳитни асраб-авайлаш нуқтаи назаридан ҳам муҳим.

Давлатимиз раҳбари Бўстонлиқ туманига ташрифи чоғида “Угам-1” кичик гидроэлектр станциясини кўздан кечирди.

Мамлакатимизда энергия қувватларини оширишда барча манбалардан фойдаланилмоқда. Хусусан, ҳудудларда кунлик энергия таъминотида гидроэнергетика қулай ва самарали. Улар умумий тармоққа уланмасдан ҳар бир ҳудуд ва маҳалла кесимида электр билан таъминлай олади. Олинадиган электр таннархи ҳам бошқа манбаларга нисбатан анча арзон. Шу боис кейинги йилларда бу соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Сўнгги йилларда юртимизда 630 миллион доллар инвестиция ҳисобидан 400 мегаваттдан ортиқ янги гидроэлектр станциялари барпо этилиб, уларнинг қуввати 2,2 гигаваттга етказилди.

Тошкент вилоятида умумий қуввати 1 минг 330 мегаватт бўлган 25 та гидроэлектр станцияси мавжуд. Бу республикамиздаги жами гидроэнергетика қувватининг 60 фоизига тенгдир. Бугунги кунда қиймати 880 миллион доллар ва қуввати 340 мегаватт бўлган яна 4 та ГЭС қурилмоқда. Шунингдек, 2028 йилгача вилоятда умумий қуввати қарийб 2 минг 400 мегаватт бўлган, 4 миллиард 800 миллион долларлик 23 та лойиҳа амалга оширилади.

Қуввати 1,48 мегаватт бўлган ушбу “Угам-1” кичик ГЭС қуриш орқали йилига 11,8 миллион киловатт соат экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқариш имкони яратилди. Замонавий самарадор гидроагрегатлар ва автоматик бошқарув тизими ўрнатилди. Эътиборлиси, бунда тўлиқ маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлатилган.

Лойиҳани амалга ошириш натижасида ҳудуддаги Чорбоғ, Хумсон ва Угам маҳаллалардаги 5 мингта хонадон ҳамда туризм ва дам олиш масканлари узлуксиз электр энергияси билан таъминланади. Йилига қарийб 4 миллион метр куб газ тежалади.

Ҳозирча Угам дарёсида иккита кичик ГЭС қурилди. Уларнинг ҳар биридан йилига икки юз миллиард сўм даромад олинаяпти. Сув оқимидан такрор-такрор файдаланиш орқали бундай станцияларни ўнтагача етказиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Бу билан нафақат энергетика масаласи ҳал бўлади, балки ҳудуд инфратузилмаси ҳам яхшиланади. Тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги корхоналари пайдо бўлади.

Давлатимиз раҳбарига ҳудудларда режалаштирилган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

Соҳага хорижий инвестиция ва хусусий секторни жалб қилиб, 2030 йилга қадар жами қувватларни 6 минг мегаваттга етказиш белгиланган. Бунинг учун ҳуқуқий, иқтисодий шароитлар яратилган. Жумладан, мамлакатимиз бўйича икки мингтагача микро ва кичик ГЭСлар қуриш имконияти бор.

Президент Бўстонлиқ туманида ташкил этилаётган янги туризм масканида бўлди.

Бу ерда зарур инфратузилма яратилиб, капсула шаклидаги уйлардан иборат замонавий дам олиш маскани барпо этилмоқда. Шунингдек, ресторанлар, дор йўллари ва чанғи учиш майдонлари бўлади.

Ойнаванд капсула уйларнинг ўзига хос томони, улар енгил, кўчма, камхарж. Катта қурилиш қилинмаслиги боис табиатга ҳам зиён етказмайди.

Давлатимиз раҳбари бундай уйларни Бахмал, Шаҳрисабз, Бойсун каби бошқа туризм масканларида ҳам ўрнатиш сайёҳлар эътиборини тортишини таъкидлади.

Икром АВВАЛБОЕВ,
ЎзА мухбири

Муносабат

“Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга. Давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлайди. Давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратади. Давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлайди. Умумий ўрта таълим мажбурийдир. Мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим давлат назоратидадир. Таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланади.”

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 50-модда.

Конституция – халқимиз ҳуқуқий маданиятининг ҳам яққол ифодасидир. 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган асосий Қонунимиз халқимиз мустақиллик йилларида эришган барча ютуқ ва зафарларнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб келганлиги барчамизга маълум.



ЁШЛАР – ЭРТАМИЗНИНГ САОДАТЛИ ЭГАЛАРИ

2023 йилнинг 30 апрель куни бўлиб ўтган референдумда фуқароларимиз халқимизнинг Янги Ўзбекистонни барпо этиш борасидаги орзу-умидлари ўз аксини топган Янги таҳрирдаги Конституциямизни ёқлаб овоз беришди. Барча соҳаларда бўлгани каби Конституциянинг ислоҳ қилиниши ҳам, аввало, мамлакатимизнинг кундан-кунга юксалиб, тараққий этиб, давр билан ҳамнафас тарзда ривожланиб бораётганини англатади.

Конституциявий Қонун лойиҳасининг ҳар бир моддаси ва бандига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар эса давр талаби эканлиги, фуқароларимиз бугун кечагидан яхшироқ яшашга интилаётганлари, ўз ҳуқуқ ва бурчларини янада теранроқ англаётганлари туфайлидир.

“Барча ислоҳотларимизда инсон ва унинг манфаатлари марказий ўринда туриши ва халқимиз фаровонлиги ҳамда қулай ҳаёт кечиришини таъминлаш давлат органлари учун бош мақсад бўлиши лозим”, дедилар Президентимиз Конституция қабул қилинганининг 31 йиллигига бағишланган тантанали маросимда. Энди тасаввур қилинг, мамлакатимизда кейинги 5-6 йил давомида амалга оширилган улкан ислоҳотларни кўриб, бутун дунё тан бермоқда. Бугунги шиддатли давр эса барчамиздан, айниқса, биз – ёшлардан замонга мос ҳаракат қилишни, фақат олға интилишни тақозо этмоқда.

Ёшлик инсон умрининг баҳоридир. Аниқроқ айтганда, ниҳол каби ўсаётган йигит-қизлар ҳаётда ўз ўрнини топишлари учун берилган фурсат. Ана шу имкониятдан қандай фойдаланиш ўзларига боғлиқ.

Юртбошимиз ёшларнинг тўғри тарбия олиши, ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиб ўсишларига катта аҳамият бериш билан бирга уларга барча имкониятларни яратиб бермоқдалар. Шундай имкониятлар яратилган экан, ёшларимиз нима учун маърифат ва бунёдкорлик сари интилмасликлари керак?

Туманимизда ҳам илмга чанқоқ, давр талабини яхши тушуниб етган ўғил-қизлар кўп. Уларнинг эзгу мақсадлари – келажак бунёдкорлари бўлиб етишиш. Шунинг учун ҳам бўш вақтларини бекор ўтказмасликка ҳаракат қилишади. Бундай ғайратли ёшларнинг илмга интилиши, ақл-одобини кўриб ҳавасим келади.

Шуни таъкидлашни истардимки, Асосий Қонунимизда таълим соҳасига жуда кенг ўрин ажратилгани ҳам ҳақиқий маърифий жамиятга айланиб бораётганимизнинг ифодасидир.

Эътиборлиси, давлатимиз ўғил-қизларимизнинг нафақат илм олишда, балки ҳар томонлама соғлом ва баркамол, Ватанга содиқ фарзанд бўлиб улғайишлари учун зарур шарт-шароитларни яратишни ўз зиммасига олмоқда.

Айниқса, Янги таҳрирдаги Конституциянинг 52-моддасида ўқитувчи деган шарафли номни янада юксакка кўтариш, обрў-эътиборини ошириш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисидаги ғамхўрликлар бизни беҳад шодлантирди ва мана шундай мамлакатнинг фуқароси эканлигимиздан фахрландик.

Саодатхон ҚОДИРОВА,
Пискент тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш шўъбаси бош методисти

ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ



ТОШКЕНТ вилояти судлари жамоаси Халқаро ногиронлар куни муносабати билан “Бор меҳримиз сенга, болажон!” шиори остида ўтказилган донорлик акциясида қатнашишди. Улар Республика қон қуйиш марказида кўнгилли равишда қон топширишди.



“Чирчиқ Технопарки” ҳудудида жойлашган “Himplast Corp” МЧЖ қўшма корхонасида термопластик ва стеклопластик маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги лойиҳа ишга туширилди. Лойиҳага 1,4 миллион доллар инвестиция киритилиб, 80 дан зиёд янги иш ўрни яратилди.



ЎРТА ЧИРЧИҚ туманининг “Мустақиллик” маҳалласига 11 километр узунликдаги ичимлик суви тармоғи тортилди. Шунингдек, ичимлик суви минораси қурилиб, фойдаланишга топширилди.



ОҚҚЎРҒОН туманида хорижий тилларни ўрганиш ва замонавий касбларни эгаллашни ният қилган ёшлар учун ўқув марказлари форуми ташкил этилди. Форумда тумандаги ўқув марказлари раҳбарлари ҳамда ёшларнинг режа ва таклифлари тингланди.



ҚИБРАЙ туманидаги 41-умумтаълим мактабининг қўшимча биноси фойдаланишга топширилди. Давлат дастури асосида 5 млрд. сўм маблағ эвазига замонавий кўриниш касб этган 240 ўринли бинода барча қулайлик ва шароитлар яратилган.



Учрашув

Маърифат улашиб



Олий таълим муассасалари талабаларини китоб мутолаасига жалб этиш, бадиий саводхонлик даражасини ошириш, уларни ватанпарварлик ва юртимиз келажагига дахлдорлик руҳида тарбиялаш, ёшларни адабиёт орқали маънавий жиҳатдан ривожлантириш, улар қалбида миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини уйғотиш мақсадида мунтазам равишда “Маърифат улашиб” лойиҳаси ўтказиб келинмоқда.

Қибрай туманида жойлашган Астрахань давлат техника университетининг Тошкент вилояти филиалида бўлиб ўтган тадбир ҳам шу мавзуга бағишланди.

Учрашувда таниқли ижодкорлар Кавсар Турдиева, Сайёра Тўйчиева, Зокир Худойшукуровлар талабаларга адабиётнинг жамиятдаги аҳамияти ва ёшлар маънавиятини ўстиришдаги ўрни ҳақида сўзлашди.

Тадбир доирасида “Заковат” интеллектуал ўйини ҳам ташкил этилди. Унда адабиёт, тарих, санъат ва маданият соҳаларига оид саволлар берилиб, талаба-ёшларнинг билими синовдан ўтказилди.

Шунингдек, учрашувда “Мушоира кечаси” ҳам ташкил этилди. Унда адиблар ўз шеърларидан ўқиб беришди, талабалар эса ижодкорлик қобилиятларини намойиш этиб, устозлардан маслаҳат олишди.

Учрашув якунида меҳмонлар янги нашр этилган китобларини фаол талабаларга туҳфа этишди.

Шу куни меҳмонлар бир нечта мактаб ва маҳаллаларга ҳам боришди. Жумладан, “Бунёдкор” маҳалласи фаоллари билан гулхан атрофида дилдан суҳбатлашишди.

Меҳриддин ИБРАГИМОВ,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири
Жалолиддин ЭСОНОВ олган сурат

Бизга ёзадилар

КОНСТИТУЦИЯ – ЎҚУВЧИЛАР НИГОҲИДА

Бўка туманидаги "Баркамол авлод" болалар мактаби эртамиз давомчиларининг қобилият ва интилишларини қўллаб-қувватлаб келади. Шу мақсадда мактабда бир қатор йўналишларда тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган.

Яқинда мамлакатимиз Бош қомуси қабул қилинган кун муносабати билан "Конституция – ўқувчилар нигоҳида" мавзусида тасвирий санъат танлови ўтказилди. Унда туманимиздаги бир қатор мактабларнинг иқтидорли



ўқувчилари ўзларининг ҳаваскорлик ижод намуналари билан қатнашишди. Хусусан, 11- ҳамда 16-мактабларнинг Иқбол Бердиева, Насиба Алимжонова раҳбарлигидаги тасвирий санъат тўгараги иштирокчиларининг истеъдоди юқори баҳоланди.

Гулчеҳра ИБРОҲИМОВА,
Бўка тумани “Баркамол авлод” болалар мактаби услубчиси

Эътибор

Соғлом оила – бахтли оила





Бўстонлиқ туманида Тошкент вилояти аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳудудий бўлими, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази, Оила ва хотин-қизлар бўлими, туман ИИБ, туман ММТБ ва спорт мактаби ҳамкорлигида БМТ Бош ассамблеяси томонидан эълон қилинган Халқаро хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш куни муносабати билан “Отам, онам ва мен – соғлом бахтли оила" шиори остида ёш хотин-қизлар ўртасида спорт мусобақалари ташкил этилди.

Якунда фаол иштирокчилар ҳамкор ташкилотлар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.



Жараён

Божхона хизмати – давлат хизматининг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, у мамлакатимизнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоясини таъминловчи идора ҳисобланади. Юртимизга кириб келаётган сайёҳлар ва йўловчиларга Ватанимиз сарҳадларида илк рўбарў келадиган, хорижга отланган фуқароларни кузатиб қўядиганлар божхоначилардир. Уларнинг зиммасига йўловчиларга хуш кайфият улашиш билан бирга мамлакат хавфсизлигини таъминлашдек масъулият юкланган.



ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛАРИМИЗ ҲИМОЯСИ

Божхона тизими мамлакатимизни жаҳон иқтисодиёти билан боғлайдиган муҳим бўғин эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу тизим тўғри ва очиқ-ошкора ишламаса, тадбиркорлик ва инвестицияларга тўсиқ бўлади. Шу боис 2019 йилда божхона тизими тубдан ислоҳ қилиниб, тартиб-таомиллар енгиллаштирилди.

Божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бўйича бошқармаси ходимлари ҳам иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, мамлакатимизнинг суверенитети ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ташқи иқтисодий фаолият, хусусан, экспорт ва импорт учун шароит яратиш йўлида хизмат қилиб келишмоқда.

Айтиш жоизки, тизимда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида барча бўлинма, гуруҳ ва божхона постларида фуқароларга замон талаблари даражасида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Сўнгги йилларда бошқармада божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйиш, контрабандага қарши курашиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Айни пайтда вилоят божхона бошқармаси тузилмасида 16 та пост мавжуд бўлиб, унинг таркибида 68 та божхона омбори, 68 та доимий божхона назорати зонаси, 1 та бож олинмайдиган савдо дўкони, 2 мингдан ортиқ божхона ташувчиси ҳамда 4 минг 468 нафарга яқин ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиси фаолият кўрсатмоқда.

Вилоят божхона постларида ташқи иқтисодий фаолият учун барча шарт-шароит яратилган. 2024 йилнинг ўтган даври мобайнида бошқарма томонидан жами 9,3 трлн. сўмлик божхона тўловлари ҳисобланиб, шундан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 4,2 трлн. сўм имтиёзлар берилди, қолган 5,1 трлн. сўм давлат бюджетига ўтказилишига эришилди.

Имтиёз қўлланилган асосий товарлар таркибини транспорт воситалари ва унинг эҳтиёт қисмлари, технологик асбоб-ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда металл хом ашёлар ташкил этади.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида 1 млрд. 670 млн. АҚШ долларидан ортиқ товарлар хорижий мамлакатлар бозорларига йўналтирилди. Товарлар асосан Қозоғистон, Хитой, Россия, Туркия, Афғонистон ва Бельгия давлатларига жўнатилди. Металлар ва улардан тайёрланган буюмлар, транспорт ва унинг эҳтиёт қисмлари, калава ип, тўқимачилик, мева ва сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинган асосий товарлардир.

Шунингдек, божхона постларида жорий йилнинг 9 ойи давомида жами 103 минг 976





та божхона юк декларациялари расмийлаштирилди. Хавфни бошқариш ахборот тизимини йўлаклар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, божхона юк декларацияларининг 28,1 фоизи “яшил йўлак”, 54,7 фоизи “сариқ йўлак”, 17,2 фоизи “қизил йўлак” тартибида расмийлаштирилди.

Содда қилиб айтганда, бошқармада тадбиркорларнинг 82 фоиз юклари соддалаштирилган тартибда расмийлаштирилди.

Рақамларга кўра, 2024 йил бошидан бери вилоят ҳудудидаги 45 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари томонидан хориждан олиб келинган қиймати 118,1 млн. АҚШ долларига тенг бўлган хом ашё “божхона ҳудудида қайта ишлаш” режимига жойлаштирилган. Қайта ишлангандан сўнг хорижга юборилган тайёр маҳсулотлар қиймати 295,7 млн. АҚШ долларини ташкил этган.

Давлатимиз раҳбари: “Божхона постлари давлатимиз юзи, биринчи таассурот шу ердан бошланади. Улар обод, аҳоли ва тадбиркорлар учун қулай бўлиши керак”, дея бот-бот такрорлайдилар. Шунга кўра, чегара-божхона постлари инфратузилмасини яхшилаш, атрофини ободонлаштириш, айрим постлар биносини реконструкция қилиш, постларга олиб борувчи йўлларни таъмирлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда бошқарма ходимлари томонидан божхона тўловларини тўлиқ таъминлаш, маҳсулотларни қайта ишлаш йўналишини кучайтириш орқали экспортни кўпайтириш, хорижий инвестицияларни ўзлаштиришни мувофиқлаштириш ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш йўналишларида йил бошида ишчи гуруҳ тузилиб, ҳудудда жойлашган 117 та ташкилотларга борган ҳолда учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Эътиборлиси, божхона тизимида кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласига ҳам алоҳида аҳамият қаратилади. Сабаби, Ватан ҳимояси осон иш эмас. Шу боис божхона ходимлари ақлан етук, жисмонан соғлом, ахлоқан пок бўлишлари лозим. Ходимлар малакали мутахассис бўлиш билан бирга, маълум фазилат ҳамда хислатларга эга бўлиши, атрофидагилар меҳнатини оқилона ташкил этиши шарт. Чунки, бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, гиёҳвандлик воситалари, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётгани божхона органлари ходимлари олдига кечиктириб бўлмайдиган аниқ вазифаларни қўймоқда. Божхона постларидаги йўловчилар, транспорт воситалари, юкларнинг ҳажми ва иш юкламасининг юқорилиги товар ва транспорт воситаларини белгиланган тартибда тўлиқ божхона назоратидан ўтказиш имкониятини чегаралаши мумкин. Ана шундай вазиятларда ходимлар ҳар бир йўловчини синчковлик билан кузатувдан ўтказиши лозим бўлади. Гиёҳвандлик воситаларининг кириб келиши хавфи юқори бўлган ҳудудлардан келаётган айрим йўловчилар ҳамда юкларни алоҳида эътибор билан назоратдан ўтказиш, ташқи белгилари бўйича шубҳали шахсларни диққатни жамлаб кузатиш, шубҳали жўнатувчи ёки юк қабул қилиб олувчига юборилган товарларни синчковлик билан текшириш зарур. Бунинг учун ходимлардан ўта синчковлик, кузатувчанлик, диққатнинг барқарорлиги ва зийраклик талаб этилади.

Жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ўтказган тадбирларда гиёҳванд воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши кураш йўналишида 53 та ҳолатда 46,8 кг. гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмасига чек қўйилди. Бундан ташқари, товар-моддий бойликларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш йўналишида 2 минг 431 та ҳолатда 47 млрд. сўмга тенг товарлар ушлаб қолинди.

Аҳоли саломатлиги муҳофазасини таъминлаш мақсадида қиймати 3 млрд. 690 млн. сўмлик 490 минг 704 минг дона сифати кафолатланмаган дори воситаларининг ноқонуний айланмасига чек қўйилди. Аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича 81,5 млрд. сўм қўшимча божхона тўловлари ҳисобланди.

Хулоса қиладиган бўлсак, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида аҳоли фаровонлигини таъминлаш, халқимиз учун муносиб турмуш шароитларини яратиш, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш каби эзгу ниятлар мужассам. Бу божхона тизимидаги ўзгариш ва янгиланишларда ҳам намоён бўлмоқда.

Бинобарин, божхона тизимини янада такомиллаштиришга қаратилаётган муҳим эътибор, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш, унинг инвестицион салоҳиятини ошириш, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва божхона органлари фаолияти шаффофлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Қаҳрамон УМАРОВ,
Тошкент вилояти божхона бошқармаси бошлиғи

Замондошларимиз

Бундан бир неча йиллар илгари, Худонинг инояти билан талаба бўлдим. Орзиқиб кутилган олтин давр бошланди.

Касби шарафли ТЎЛАГАНОВ

Тасодифлар билан радиога бориб қолдим. "Ўзбекистон-24" радиоканали. Энг иш қизғин жой. Ахборот. Иш жараёни ёнади. Барча ходим қайгадир шошади.

Худойназар Дўстқобилов раҳбарлик қиладиган жамоа каминани яхши кутиб олди. Ҳамма ходим самимий. Каминага ишу тажрибасини ўргатиш бош муҳаррир Яҳё Набиевга топширилди. Яхё ака устозим Зарбиби Чориевага бириктирди. Шу билан худди кимнингдир кўзи учиб тургандек, кунда-кунора радио ҳовлисида пайдо бўлардим. Биринчи кунмиди, эсимда йўқ. Яҳё аканинг хонасидан бўйи новча, пўрим кийинган, мўйловли киши чиқиб кетаётган экан. Салом бердим, алик олди.

– Э, бу йигит бизга келдими, жуда яхши бўлибди, овоз қалай овоз, бошловчими? – деди.

– Талаба, тажриба оширмоқчи экан, яхши болага ўхшайди, – деди Яҳё ака.

– Яхши, ишларга омад, чарчаманг, ғайрат қилинг, – деб кетди новча одам.

Кейин билсам, шахсияти ҳам бўйидек баланд бу киши Шарофиддин Тўлаганов экан. Ўша машҳур сиёсий шарҳловчи. Мен газеталарда кўп бора мақолаларини кўрганман. Ва ёзиш услубига ҳавас қилардим.

Шарофиддин ака ҳар кўрганда самимий гаплашарди. Талабага бундан ортиқ не керак? Бу давр қизиқ-да! Саломингга алик олинганига қувониб кетаверасан! Лекин Шарофиддин Тўлаганов дек дарға сен билан ўз яқинидек суҳбатлашади. Насиҳатларини беради. Энди ўйлаб қоламан, унга вақтини кетказиб зарилмиди? Мен бир амалиётчи бўлсам. Кейин билдим, у ҳаммага ёрдам бераркан. Ҳеч бўлмаганда, бир оғиз ширин гап билан. Бу ҳам чин одамларга хос хусусият.

Ўша радиодаги амалиёт жараёни мен учун катта мактаб бўлган экан. Қаерда фаолият юритсам ҳам, кўп бора қўл келди...

* * *

Ҳозиргача Шарофиддин аканинг ижодини қизиқиб кузатаман. Кези келганда, у билан ҳамкишлоқ эканимизни ҳам айтиб ўтсам. Ўйламанг, бир қишлоқдан бўлганингдан кейин, маслаҳат беради-да, деб. Шошманг. Шарофиддин ака Турбатда туғилган. Мен эса Майманоқда! Қанақасига ҳамқишлоқсан дейсизми? Ҳамма қишлоқларнинг қалби, рангги, шамойили ўхшаш. Майманоқ ва Турбатнинг қалби – бир. Тўлаганов кўп ва хўп Турбат ҳақида ёзади. Мен уларни ўқиб, бу қишлоққа меҳрим ошган. Туғилган гўшани эъзозлашни, қадрлашни Устоз Шарофиддин акадан ўргансак арзийди.

* * *

Бу инсон шу йил олтмиш ёшни қаршилади. Унинг юбилейи ҳам ўзгача ўтди. Туғилган кунида янги чиққан китобларининг тақдимоти бўлди. Унинг ҳамма нарсаси ўзига хос.

* * *

Шарофиддин ака чин одам, чин ижодкор, чин журналист! У – бедор. Ёзганларини ўқиган одам беихтиёр бунга амин бўлади. У замонимиз ва замондошларимиз ҳақида кўп ўйлайди. Ютуғидан қувонади, акси бўлса ўйга толади. Ёзганларида ўз қарашларини илгари суради. Айтган гапини, фикрини аниқ-тиниқ далиллаб беради. Дадил. Қўрқмайди. Унинг ўз принципи бор. Кўп юрт кезган. Осиё ва Европа туташган нуқта дейсизми, бу ёғи туркий мамлакатлар дейсизми, хуллас – жаҳонгашта. Шунинг учун ҳам мен бу одамнинг фикрларига қизиқаман.

* * *

Устознинг “Кўрган кузатганларим” номли китоби яқинда “YOSHLAR MEDIAPRINT” нашриёти томонидан нашр қилинди. Китоб дарагини эшитгач, уни ўқиб кўриш иштиёқи кучайди. Бир куни уйга келсам, отам айнан мен кутган китобни мутолаа қиляптилар. Илиқ фикрлар айтдилар. Отам ўқиб бўлгач, мен ҳам мутолаани бошладим. Шарофиддин ака тасвирни ҳам боплайди-да! Сабабини излайман, у ҳаётни жуда теран кузатади. Ва уни қоғозга шундай туширадики, ўқувчини лол қолдиради. Ий-е, воқеага бу томондан ёндашса ҳам бўларкан-ку, дея ўйлайсиз. Шарофиддин Тўлагановнинг ёзганлари – келажакда публицистика юкини елкага оламан деган ҳар бир толиби илмга тайёр қўлланма, десак муболаға эмас.

У шунчаки ёзмайди. “Фарзандларимиз тил билиши керак” деган битигида шундай мисралар бор: “Фарзандларимиз тил билсин. Улар келажакда кўча супуриб эмас, балки хориждаги ҳукумат, йирик компаниялар коридорларида юрсин. Бунинг учун тил билишлари керак. Ёшликдан тил





ўрганиб, дунёнинг барча мамлакатларида “ўзбек лоббиси”ни яратсин.

Жаҳон мамлакатларида, йирик шаҳарларда “ўзбек лобби”си яратилмас экан, “боболаримиз буюк бўлган” деб юраверамиз. Ўтмишдан фахрланиш ички пропаганда учун керакдир, аммо хорижликлар “ўтмишда кучли бўлган экан” деб бизга инвестиция киритмайди. Келажакни ўзимиз яратамиз”.

Ижодкорнинг орзуси шу! Юртдошларимиз ҳар соҳада илдамлар сафида бўлишини хоҳлайди. Дунёнинг йирик компаниялари раҳбару лидери сифатида ўзимизнинг қора кўзларни кўриш нақадар бахт!

“Али бобо ва қирқ қароқчи” мақоласида ҳам ракурсга ажойиб ёндашади. Дўсти телефон қилиб, шу фильмни томоша қилаётганини ва фикри ўзгарганини ёзади. “Аслида фильм кундузи Гулободга ҳокимлик қилиб, кечқурун қароқчилик қилган Абу Ҳасан ҳақида экан”, деб ошнасининг гапини келтиради. Эртакда воқеа Али бобо ва акаси ҳақида кетганини, фильмда ҳам мавзу ўша-ю, аммо режиссёрларнинг икки юзли Абу Ҳасанни юзини очиб беришга қаратилган урғусию маҳоратини таъкидлайди. Ва мақола охири ҳам қизиқ якунланади: “Фильмда бир шахснинг икки хил юзи ёритилади. Аслида ҳам тарихда, ҳар бир давр, ҳар бир замонада шу каби амалдорлар топилади-ку!

Танишимнинг айтишича, бугунги кун Али боболари – биз журналистлар бўлишимиз керак экан”. Ёндашув дегани бундай бўпти-да!

Кутилмаган якун бериш учун ёзувчидан катта маҳорат талаб этилади.

“Яна “Америкача таъм” ҳақида” ёзиғида ўқувчини ўйлантирадиган фикрни илгари суради: “Мана шу – “Америкача таъм” ёзуви бор маҳсулотлар катта шаҳарлардан тортиб чекка қишлоқларгача етиб борди.

Нима учун америкача таъм? Шу саволни ўзингизга бериб кўрганмисиз? Яқин-яқингача ўзбекча таъм ҳамма нарсадан устун эмасмиди? Нима учун энди америкача таъмга қизиқиб қолдик. “Ўзбекона таъм” яна машҳур бўлармикан?!”

Муаллиф илгари сурган ғоя қизиқ. Нега, маҳсулотларимизни бошқа ном билан реклама қилишимиз керак. Нега “ўзбекона шоҳона таъм”ни миллий брендимизга айлантирмаслигимиз керак? Бунинг учун инсонда ички миллий ғурур кучли бўлиши лозим. Ана шунда ўзбекона брендлар жаҳонда пешқадамлардан бўлади.

“Футбол борасидаги фикрим” сарлавҳали мақоласи ҳам ўқувчини бефарқ қолдирмайди. У ашаддий футбол мухлиси эмаслигини, аммо ўзбек футболига бефарқ туролмаслигини таъкидлайди. Футболдаги муаммоларни 1979 йил “Пахтакор” ҳалокатига тақайди. Фалокатдан сўнг, шу йили Иттифоқнинг турли клубларидан кучли футболчилар олиб келиш тажрибаси қўлланиб, клубни сунъий равишда олий лигада сақлаб қолиш асосий мақсад бўлган. Муаллиф таъкидлайдики, ўзимизнинг қишлоғу туман, вилоятлардан футболчиларни топишимиз керак эди. Жаҳонга машҳур Пеле ҳам кўчада тўп тепиб юрганда, “Сантос” мураббийларидан бирининг назарига тушиб, клубга таклиф этилади. Шуни мисол қилиб: “Ахир қишлоқларимизда кўча футболида ажойиб ўйинлар кўрсатадиган болаларимиз сон мингтаку?! Фақат уларга эътибор йўқ!

Биз программа минимум – жаҳон чемпионатига чиқиш, Осиё чемпионатида ғалаба қозониш, Олимпиадада иштирок этишни ният қилганмиз. Ният яхши. Аммо программа максимум – том маънода футболни ривожлантиришимиз керак эмасми?” деган жўяли фикрни ўртага ташлайди. Вазиятни билиб, ҳис қилганлар унинг таклифини қўллаб-қувватлайди.

* * *

“Кўрган кузатганларим”ни мутолаа қилар эканман, қаламга ва сўзга содиқ, фикри теран Шарофиддин Тўлаганов сиймоси юксалиб бораверди. Нима ҳам дердим: Қалбингиздаги зиёни улашишдан толманг. Ўқувчиларингиз ва уққувчиларингиз кўп бўлсин...

Ҳурмат билан,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири
Зикрилла МУҲАММАД

Чиноз – ЧИНАКАМ ҲАЙРАТ ВА ҲАВАС МАНЗИЛИГА АЙЛАНАДИ

ФАРОВОНЛИК ОДИМЛАРИ

Бугун Чиноз тумани аҳолиси сони **147 мингдан** ошди. Кейинги йилларда юртимизда олиб борилаётган кенг миқёсдаги ислоҳотлар, катта ўзгаришлар туманимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Барча маҳаллаларда олиб борилаётган ободончиликлар, ривожланишлар оддий одамлар ҳаётида ўз аксини топяпти. Халқимиз учун муносиб иш ўринлари яратиш, яшаш шароитларини яхшилаш, фаровонлик даражасини юксалтириб бориш биринчи галдаги вазифамиз, албатта.

Ўтган давр мобайнида туманимиз бўйича турли соҳалар, жумладан, уй-жой, коммунал хўжалиги, шаҳарсозлик, қурилиш, йўл, электр тармоқлари, сув таъминоти, тадбиркорлик ва бандлик масалалари, умуман, барча жабҳаларда аҳоли мурожаатлари тингланиб, уларнинг дарду ташвишига қулоқ тутилди. Мавжуд муаммони ўз вақтида ва жойига чиқиб ўрганиш, ечимини излаш, топиш ҳамда ҳал этишда халқчил ва самарали тизим ишламоқда. Асосий эътибор аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларни ишбилармонликка, тадбиркорликка ўргатиш, шу орқали, камбағалликни қисқартириш каби ўта муҳим масалаларга қаратилаётир.

Биргина мисол. Жорий йил бошида туманимизда камбағаллик даражаси **10,8 фоизни** ***(4,3 минг нафар)*** ташкил қилган эди. Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин, деган ўгити бор. Шундан келиб чиқиб, дастлаб, тумандаги барча масъул раҳбарлар, мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда босқичма-босқич қиладиган ишларимизни аниқ белгилаб олдик. Маҳаллабай, хонадонбай ишлаш тизими орқали ҳар бир аҳоли вакили ўз имкониятидан келиб чиқиб, кичик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, ҳунармандчилик, касаначилик, деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик каби фаолият турларига йўналтирилди. Маҳаллалар даражасида аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш, ушбу масканларда тадбиркорликка кўмаклашиш тизими яратилди. Натижада ҳозирга келиб, тумандаги **1 минг 100 та** оила қашшоқликдан чиқарилди. Камбағаллик даражаси эса, йил якунига қадар **6,3 фоиз**га туширилади. 2025 йилда бу кўрсаткични **3,9 фоиз**га тушириш асосий мақсад қилинган.

Бунинг учун ҳозирданоқ аниқ-тиниқ чора-тадбирлар белгилаб олинган. Хусусан, биринчи навбатда, аҳолининг ҳар бир камбағал қатламини тўлиқ хатловдан ўтказиш орқали уларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда **1 минг 320 та** хизматлар пакети тақдим этилади. Натижада, **85 нафар** фуқарони иш билан таъминлаш, **60 нафар**ини ўқитиш, **254 нафар** аҳолига кафолатланган тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда **921** фуқарога бошқа турдаги ижтимоий хизматлар кўрсатиш имкони яратилади.

Очиғи, бугун камбағалман деб уйда ўтирадиган, “олма пиш, оғзимга туш” дея қўл қовуштириб ётадиган замон эмас. Бинобарин, бундай тутум чинозликларнинг табиатига ҳам ёт. Инсоннинг тўрт мучаси соғломми, демак у ҳаракат қилиши, интилиши, меҳнатни канда қилмаслиги лозим. Бунинг учун эса, юртимизда барча имкониятлар етарли.

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМОҲАНГ ҚАРОР

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил октябрь ойида вилоятимизга қилган ташрифларида ҳам бу борадаги ислоҳотларни янада жадаллаштиришимиз, келгуси 5 йил давомида нима қиламиз, қандай ишларни амалга оширамиз – булар бўйича ҳам аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаб олдик. Мазкур бажариладиган ишлар Вазирлар Маҳкамасининг **“Чиноз туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳолининг яшаш шароитларини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги муҳим қарорида ҳам акс этди. Ҳужжат билан туманимизнинг ривожи учун **2024-2025 йилларда 87 та** лойиҳа бўйича жами **3,1 трлн.** сўм маблағ ўзлаштиришимиз ҳисобига кўп йиллардан буён ўз ечимини топмаётган масалаларимиз ҳал этиладиган бўлди.

Шу жиҳатдан ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масаласида келаси **5 йил**да бир қанча ишлар режа қилиб олинди. Жумладан, бу муддатда ичимлик суви таъминотини яхшилашга Республика бюджети маблағлари ҳисобидан **8,5 млрд.** сўм ажратилади. 2025 йилда **2,1 млрд.** сўм, 2026 йилда **2,3 трлн.** сўм маблағ йўналтирилади.

Маълумки, туманда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси ҳозирда 78,4 фоизни ташкил этади. Лекин, **Усмон Носир номли, “Обиҳаёт”, “Улуғвор”, “Ғайрат”** маҳаллаларида бу кўрсаткич 60 фоиздан қуйироқда. Ичимлик суви тармоқларини модернизация қилиш харажатлари учун вазирлик маблағлари ҳисобидан **15 млрд.** сўм ажратилади. Бу каби саъй-ҳаракатлар натижасида ичимлик суви таъминоти 2024 йил якуни билан **84 фоиз**га, 2025 йилда **88 фоиз**га, 2029 йилда эса, **98 фоиз**га етказилади.







Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар

БИРЛАМЧИ МУАММОЛАРГА АНИҚ ЧОРАЛАР

Халқ дарди, инсон қадри, инчунин, одамлар розилиги йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатларнинг замирида – ўша инсонлар эртага эмас, бугун яхши яшашлари керак, деган эзгу ғоя мужассам. Шуни инобатга олган ҳолда одамларнинг электрга бўлган эҳтиёжини тўла-тўкис қондириш, электрни манзилли етказишни узлуксиз таъминлаш, унинг исрофига йўл қўймаслик борасида ҳам аниқ механизмлар ишлаб чиқилди.

Бунинг учун келгуси **5 йилда 22 млрд.** сўм маблағ йўналтириладиган бўлди. Газ таъминотини яхшилаш ва тежамкор технологияларни қўллашга эса, **6,9 млрд.** сўм маблағ ажратилди. Шундан 2025 йилда **1,5 млрд.** сўм, 2026 йилда **1,8 млрд.** сўмлик ишлар бажарилиши режалаштирилди.

Мавжуд кўп қаватли уй-жойларнинг том ва фасад қисми, кириш йўлаклари, йўлкаларни бетонлаш ишларига **2 млрд.** сўм ажратилади. Мазкур маблағлар ҳисобига тумандаги **“Мевазор”, “Бунёдкор”, Алишер Навоий номли, “Ёшлик”, “Обиҳаёт”, “Тинчлик”** маҳаллаларидаги **20 та** кўп қаватли уйлардан **18** тасининг том қисми, **20 та**сининг фасад қисми, **40 тасининг** кириш йўлаклари таъмирланади. Натижада **328 та** хонадоннинг яшаш шароитлари тубдан яхшиланади.

Яқинда ўтказилган хатловларда вилоятимиздаги инфратузилмаси оғир ва ривожланишдан орқада бўлган **6 та** маҳалла ажратиб олинди. Шунга кўра, давлат томонидан ажратиладиган, **2 млрд.** сўм ҳисобига **818 та** хонадон томорқаларини суғориш, **2,3 млрд.** сўмга **1 минг 320 та** хонадонда электр таъминотини яхшилаш, 1 **млрд.** сўмга эса ички йўлларни созлаш кўзда тутилмоқда.

Очиғи, туманимизда йўл қурилиши энг асосий масала**2026 йиллар** давомида аниқ мақсадларни белгилаб олдик. Хусусан, ички йўлларни таъмирлаш харажатларига 2025 йилда **4 млрд.** сўм, 2026 йилда **5 млрд.** сўм сарфланади. Халқаро аҳамиятдаги йўлларни таъмирлашга эса, келгуси йили **20 млрд.** сўм, 2026 йилда **18 млрд.** сўм, 2 та кўприк таъмири учун жами **30 млрд**. сўм маблағлар ажратилади.

ЭРТАНИНГ УМИДИ – БУГУНДАН

Энг катта бойлик – ақл-заковат ва илм, юксак мерос – бу яхши тарбия, улкан қашшоқлик эса, билимсизликдир. Шарқ донишмандларидан бизгача етиб келган бу доно ақида асрлар ўтса ҳамки, ўз моҳиятини йўқотгани йўқ. Зеро, буюк маърифатпарвар Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласи”дир. Гап эртамиз эгалари бўлмиш ёш авлоднинг сифатли таълим-тарбияси, соғлом вояга етказиш ҳақида бораркан, уларни ҳар томонлама интеллектуал салоҳиятли шахслар этиб тарбиялашда мавжуд таълим масканларида яратилган шароиту имкониятларнинг ўрни ниҳоятда муҳим.

Шундан келиб чиқиб, ҳудудимиздаги таъмирталаб ҳолга келиб қолган мактабларнинг **8 таси** замонавий кўринишга келтирилди. Бунинг мантиқий давоми сифатида келгусида яна бир нечта таълим масканларидаги шарт-шароитлар яхшиланади. Шунингдек, талабдан келиб чиқиб, 1 та мактаб янгидан қурилади, 4 та мактаб реконструкция қилинади ва яна 4 таси мукаммал таъмирдан чиқарилади. Бу харажатларга 2025 йилда **13 млрд.**, 2026 йилда **17 млрд.** сўм йўналтирилади.

Кези келганда, келажагимиз ворислари бўлмиш жажжи болажонларимизнинг таълим-тарбиясига ҳам алоҳида тўхталсак. Бу йўналишда қиладиган амалий ишларимиз янада кўлам касб этмоқда.

Айни пайтда туманимизда боғча ёшидаги болаларнинг қамров даражаси **67,1** фоизни ташкил қилади. Лекин, “Ғайрат” маҳалласида **23,3 фоиз**, “Тиллатопган” маҳалласида **16,1 фоиз**, “Сутчилар” маҳалласида **17,2 фоиз** бўлиб, ушбу ҳудудларда давлат мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли қамров даражаси ҳануз пастлигича қолмоқда.

Юқорида келтириб ўтганимиз – Вазирлар Маҳкамасининг **“Чиноз туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳолининг яшаш шароитларини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарори билан 2024-2026 йилларда **2 та** янги давлат мактабгача таълим ташкилоти қурилади, **5 та** боғча реконструкция қилинади, нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари сони **90 та**дан **114 та**га етказилиб, қамров даражаси **80,4 фоиз**га оширилади.

ЭЛ СОҒЛИГИ – ЮРТ БОЙЛИГИ

Қабул қилинган ҳужжатда аҳоли саломатлигини асраш, тиббиёт ходимларига етарлича шарт-шароитлар яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Тиббиёт соҳасидаги мавжуд муаммоларга аниқ ечимлар ва ана шу масалаларни ҳал этиш учун молиявий манбалар кўрсатиб ўтилган. Туманимизда бугунги кунда асосий эътибор бирламчи тиббиёт бўғинини янги босқичга кўтариш орқали касалликларни эрта аниқлашга қаратилган.

2025-2026 йилларда бу соҳага **16,5 млрд.** сўм ажратилмоқда. Натижада Амир Темур номли оилавий шифокорлик пункти, “Дўстлик” оилавий шифокорлик пункти, тиш даволаш клиникаси реконструкция қилинади. Сил касаллигини даволаш диспансери қайта қурилади.

Бундан ташқари, 3 нафар врачимизни чет элда малакасини ошириш масаласи ҳам режага киритилган. Аҳолимиз саломатлигини яхшилаш, касаллик сабабларини тезкор аниқлашда компьютер-томография текшируви ускунаси жуда зарур бўлмоқда. Одамлар томографик текширувлар учун қўшни Сирдарё вилоятига ёки пойтахтга боришади. Натижада вақт ва маблағ ортиқча сарфланади. 2025 йилда Республика бюджетидан **6 млрд.** сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, бу маблағ ўзимизда худди шундай имкониятларни ҳозирлаш учун сарфланади.

БУГУННИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

Тумандаги хорижий инвестициялар киритиш кўрсаткичларини йиллар кесимида кўрадиган бўлсак, 2022 йилда **5,2 млн.** доллар, 2023 йилда **17,2 млн.** доллар сармоя ўзлаштирилган. Жорий йил якуни билан бу кўрсаткични **19 та** корхона ҳисобига **52,8 млн.** долларга етказиб, ўтган йилга нисбатан **3 баробарга** ошириб бажаришни ва келгуси 2025 йилда **100 млн.** доллар (ўсиш 1,9 баробар)га етказишни, **1 минг 340 та** янги иш ўринлари яратишни режалаштирганмиз.

Агар рақамларга қарайдиган бўлсак, Чиноз туманининг экспорт кўрсаткичлари ҳам йилдан-йилга юксалиб бораётганини кўришимиз мумкин. Хусусан, 2022 йилда **30,3 млн.** долларлик, 2023 йилда **34,2 млн.** долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йил якунига қадар умумий ҳисобда **46,9 млн.** долларлик маҳсулот экспорт қилиниши кўзда тутилган. Бу ўтган йилга нисбатан **1,3 баробарга** кўп. Келгуси 2025 йилда маҳсулотлар экспортини **60 млн.** долларга етказишни режалаштирганмиз.



Бундан буён ҳам юқори технологик қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналаримиз сони ортиб боради ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Президентимиз таъкидлаганларидек, уларнинг фаолиятини кенгайтиришга янада кўпроқ шарт-шароит яратиш бугунги рақобат замонининг муҳим талабидир.

Умуман олганда, туманимизда ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар мўл. Муҳими эса, кўп йиллар давлат ва жамият бошқарувида амал қилиб келинган “давлат – жамият – инсон” тамойили – эндиликда тамоман ўзгача, яъни – аввало инсон, сўнгра жамият ва давлат принциплари асосида қурилаётганидир. “Давлат – инсонлар учун” деган муҳим ва халқчил ғоя эса борган сари реал ҳаётимизга сингиб, Ватан равнақи йўлидаги барча саъй-ҳаракатларимизни рағбатлантирувчи беқиёс куч-га айланиб бормоқда.

Шерзод САЛИХОВ,
Чиноз тумани ҳокими

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI

“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalari tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay’ati raisi)
Abdusamad NOSIROV
Ummat MIRZAQULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G‘afurjon MUHAMEDOV
Sayyora FAYZIYEVA
Tohir ARIPOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Abdulla XURSANOV
Kumush EGAMBERDIYEVA
Behzod QOBULOV
G‘ulomjon SAMADOV
Zarifa ERALIYEVA
Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G‘ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95
Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10
Mas’ul kotib:
(55) 520-05-10
Bo‘lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20
E'lonlar va hisob-kitob bo‘limi:
(55) 520-21-20
e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Mas’ul kotib:
Alloma AZIZOVA
Navbatchi:
Zikrilla MUHAMMAD

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.
Bosishga topshirildi - 23:30
Nashr ko‘rsatkichi - 205.
Buyurtma G-1235.
2 830 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog‘oz bichimi A–2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro‘yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo‘li ko‘chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko‘chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo‘jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

123456